



УЎТ: 635.26:631.25:531.2

ПИЁЗ ЕТИШТИРИШДА ЯНГИ ЯРАТИЛГАН НАВЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рахматов Анвар Маматович 

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти
лабораторияси мудир, қ.х.ф.д., катта илмий ходим

Солийев Зиёиддин Шухратбек ўғли 

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти
тадқиқотчиси

Джалимбетов Муса Аяпбергенович 

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти
Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси директор ўринбосари

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси шароитида эртапишар пиёзнинг селекция ишлари натижасида яратилган Малла навини ҳосилдорлик ва етиштиришда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: нав намуналари, нав, барг, уруғ, пиёзбош баландлиги, эни, мева вазни, кун, ҳосилдорлик, рентабеллик.

Аннотация. В статье представлены данные по урожайности и показателям экономической эффективности сорта Малла, созданного в результате селекции лука репчатого на ранний срок созревания в условиях Республики Узбекистан.

Ключевые слова: сортообразцы, сорт, лист, семя, высота головки лука, ширина, масса плода, сутки, урожайность, рентабельность.

Abstract. This article presents yield data and economic performance indicators for the Malla onion variety, developed through early-ripening selection in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: variety samples, variety, leaf, seed, onion head height, width, fruit weight, days, yield, profitability.

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIK KARANTINI

КИРИШ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасини Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида «Харакатлар стратегиясидан-Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегиясининг 3-йўналишида «...қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида икки баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон шароитида сабзавот экинларини кўпайтиришда пиёзнинг истиқболли навларини яратиш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек мамлакатимизнинг ўзида унинг уруғчилигини ташкил қилиш талаб этилади.

Сабзавот экинларини ташқи муҳит омилларига бўлган муносабатини билиш ва уни маълум даражада созлай олиш юқори ҳамда сифатли ҳосил олишга асос бўлади. Пиёз – совуқбардош ўсимлик. Аммо ўсув даврининг турли босқичларида паст ва юқори ҳароратга талабчанлиги турличадир [1; 25- 6].

Уруғи 2-3 °C да унабошлайди; униши учун энг қулай ҳарорат 20 °C. Очиқ майдон шароитида уруғларни униб чиқиши маълум даражада тупроқ ҳароратига боғлиқ бўлиб, ниҳолларни ҳосил бўлиши 9 – 10 кундан 25 – 30 кунда юзага келади [2; 64 - 6].

Пиёз илдиз тизими ҳарорат 25 °C гача бўлса яхши ривожланиб - 4-6 °C ва қисқа муддатли - 15 °C совуққа бардош бераолади [3; 346 – 589- 6].

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Республикамиз иқлим шароити мос янги яратилган эртапишар пиёзнинг Малла навини етиштиришда ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлик натижалари ҳар томонлама ўрганилди.

Тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, 2018-2020 йилларда эртапишар пиёзнинг Малла навини етиштиришда ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА.

Бугунги кунда сабзавот экинларини иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг турларини кўпайтириш орқали аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соғлом овқатланиш портфелини яратиш бўйича қатор илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ушбу тадқиқотида эртаки пиёзни ҳосил олишга мос ва нушпиёз (севок) усулида етиштиришга яроқли нав-намуналарини яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу масалаларни ҳал этиш эса республикада энг кўп истеъмол қилинадиган асосий сабзавот экини ҳисобланувчи пиёздан эртаки юқори ва сифатли

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIK KARANTINI

маҳсулот етиштиришда юзага келаётган қатор муаммоли масалаларни ечимини топиш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, эртапишар пиёз навларини яратиш орқали мамлакатимиз аҳолисини ана шу витаминларга бўлган талабини қондириш билан биргаликда, пиёз навларини кўпайтириш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида эртапишар пиёзнинг Малла нави яратилди ва уларнинг танлов синови ташкил этилди.

2021 йилда эртапишар пиёзнинг Л-9 тизмаси Малла номи билан янги нав сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат нав синаш марказига муаллифлик гувоҳномаси олиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш учун ариза ҳамда патент олиш учун тегишли ҳужжатлар ва уруғлар Интеллектуал мулк агентлигига топширилди.

Эртапишар пиёзнинг Малла навига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 10.04.2025 йил № NAP551 рақамли патент олинди.

Синалаётган навнинг ҳосилдорлиги стандартга нисбатан бироз юқори бўлиб, умумий ҳосилдорлик 46,7 т/га ни ташкил этди. Бу стандартга нисбатан 5,6 т/га ёки 13,6 % кўп демакдир (1-жадвал).

Товарбop ҳосилдорлик ҳар иккала навда ҳам юқори бўлиб, 93,6-97,5 фоизни ташкил этди.

Пиёзбош вазни бўйича ҳам навлар ўртасида фарқ кузатилди. Малла навини ўртача илдизмева 131,5 г ни ташкил этиб, стандартга нисбатан 25,9 г кўп бўлганлиги кузатилди.

1-жадвал

Танлов синовидаги пиёзни Малла навининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, 2018-2020 й.й.

Нав номи	Умумий ҳосилдорлик, т/га				Назорат нисбатан, %	Товарбop ҳосил, т/га	Товарбopлиги, %	Пиёзбошининг ўртача вазни, г
	2018 йил	2019 йил	2020 йил	ўртача				
Сумбула (ст)	41,1	40,9	41,5	41,1	100,0	38,5	93,6	105,6
Малла	46,3	46,8	46,9	46,7	113,6	45,6	97,5	131,5
ЭКМФ ₀₅ т/га	0,47	0,51	0,54	0,57				
Sx, %	0,07	0,08	0,10	0,11				

Пиёзнинг янги нави танлов синови учун қўйилган тажрибалар ўртасидаги хатоликлар (ЭКМФ₀₅ т/га) 0,57 т/га ёки вариантлар ўртасидаги фарқ (Sx, %) 0,11 % ни ташкил этди.

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Олиб борилган тадқиқотларда энг юқори рентабеллик даражаси Малла навида кузатилди ва 76,6 % ни ташкил этди.

Назорат навда барча харажатлар 12 412 минг сўмни ташкил этди. Малла навида бў қўрсаткич 13 224 минг сўмни ташкил этди. Бу назорат навга нисбатан Малла навидан олинган ҳосилни йиғиш харажатлари билан изоҳланади.

Танлов синовидаги ҳар иккала навдаги пиёз ҳосили 1 келограмми ўртача 500 сўмдан сотилди. Назорат Сумбулла навида соф даромат 20550 сўм/га ни ташкил этди. Малла навида эса бу қўрсаткич 23350 сўм/га ни бўлиб, стандарт навга нисбатан 2800 сўм/га кўп даромат олинди ва рентабеллик даражаси 76,6 фоизни ташкил этди.

Шу билан биргаликда навлар ўртасида назоратга нисбатан Малла навида 5,6 т/га қўшимча ҳосил олинди. Олинган қўшимча ҳосилдан 3640 минг сўм/га даромад олинди.

Навларни ўрганишдан олинган соф фойда ҳар бир гектар ердан 3640 минг сўмни ташкил этди.

Синовдаги навларни етиштиришда иқтисодий самарадорлик ҳисоблашдан олинган натижалардан хулоса қиладиган бўлсак янги яратилган эртапишар пиёзнинг Малла навини етиштириш орқали юқори ҳосил ва рентабеллика эришиш мумкинлиги исботланди.

ХУЛОСАЛАР:

1. Пиёзнинг Л-9 тизмасидан якка танлаш ва авлодини баҳолаш асосида янги Малла нави яратилган. Ушбу навга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан НАР № 551 рақамли патент берилган.

2. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида пиёзнинг эртапишар Малла нави ҳосилдорлиги илмий тадқиқотларга кўра 46,7 т/га ни ташкил этади.

3. Пиёзнинг эртапишар Малла нави етиштириш орқали эртаки ҳосилдорлик билан биргаликда гектарига 76,6 фоиз рентабеллик эриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Генейди, Г.С. Биологическое изучение важнейших видов лука в связи с их биологическими особенностями: автореф. дисс.канд. биол. Наук // Г.С.Генейди. - Л., 1971 - С.25.

2. Дятликович, А. Лук // М.: Московский рабочий, 1968 - С.64.

3. Brewster, J.L., A Comparison of Relative Rates of Different Individual Plants and Different Cultivars of Onion of Diverse Geographic Origin at Two Temperatures and Two Light Intensities. // J.L. Brewster, A. Barnes. - Journal of Applied Ecology, Vol. 18.1981 - P. 346-589.